



# Ishonch

Моҳият

Уз касбининг ҳақиқий устаси ва фидойиси бўлган, ўзининг ҳаққоний сўзи билан одамларни эзгу мақсадларга сафарбар эта оладиган, эл-юрт манфаати, халқимизнинг бугунги ва эртанги куни учун ёниб яшайдиган сиз, жонқуяр журналистларимен ўзимнинг суянчим ва таянчим деб биламан.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

## 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

**Қадрли дўстлар!**  
Авваламбор, сиз, ҳурматли журналистлар, нашриёт ва матбаа соҳаси вакиллари — бугунги кунда тобора ўткир ва таъсирчан кучга эга бўлиб бораётган, оғир ва машаққатли, шу билан бирга, шарафли касб эгаси бўлган, ўзини ахборот соҳасини ривожлантиришдек олижаноб ишга бағишлаган сиз азизларни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий мубораққод этаман.

Албатта, ҳаммамиз учун азиз ва муқаддас бўлган Ватанимиз мустақиллигининг яқинлашиб келатган 20 йиллик буюк санаси арафасида ўтаётган бу байрамнинг алоҳида маъно-маъмуни борлигини, ўйлаётганимиз, нафақат соҳа ходимлари, балки уларнинг ижоди ва меҳнати маҳсулидан ҳар кун баҳраманд бўладиган миллионлаб юрtdошларимиз, бутун халқимиз яхши англайди.

Айни шундай дамларда эл-юртимиз ҳаётида тарихан қисқа бир даврда рўй берган ўзгаришлар — уз куч ва салоҳиятимизга таяниб, миллий давлатчилигимизни қайта тиклаш, сиёсий ва иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга эришиш йўлида қандай улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритганимиз ҳақида сўз юритишимиз табиийдир.

Айни шу кунларда оммавий ахборот воситалари соҳасида амалга оширилган ишларимизга танқидий баҳо берад эканмиз, улардан тўғри хулоса чиқариш, замоннинг ўзи талаб қилаётган муҳим масалаларни кун тартибига қўйиш ва уларни ҳал қилиш барчамиз учун энг долзарб вазифа бўлиб тургани ҳусусида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бугунги кунга қадар айёмда ўлкамизда мустақил миллий матбуот пайдо бўлган даврдан бошлаб, бу ишнинг тамал тошини қўйган, доимо халқ билан, унинг дарду таъшишлари, эзгу оруз-умид ва интилишлари билан яшаган маърифатпарвар болаларимиз, бу йўлда ўзини фидо қилган инсонларнинг, муҳтарам фахрийларимизнинг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан ёд этамиз.

Юртимизда амалда қўлган оқламаган эски мафкура ҳукмронлик қилган даврларнинг эслар эканмиз, шунга таълим олишимиз керакки, ўша замонда ҳам ахборот соҳасининг жонқуяр намоёндалари, қандай оғир бўлмасин, воқеликни тўғри ёритиш, халқимиз бошидан кечирган машаққатли кунларни юрагидан, қалбидан ўтказиш, яқин тарихимиздаги машъум йилларда миллиятимизнинг қадр-қимматини, шаънини ҳимоя қилиш, турли тўхмат ва бўҳтонлардан асраш, энг муҳими, миллий қадриятларимиз, ўзлигимизни сақлашда ўзини аямасдан, виждонан хизмат қилганини, мардлик ва маънавий жасорат кўрсатганини бугун катта миннатдорлик билан тилга олишимиз ўринlidir.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунларданқ миллий гоани шакллантириш, овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек буюк мақсадларни ҳар қайси инсоннинг онгида, маънавий оламида кенг қарор топтириш йўлида матбуотимиз катта ҳисса қўшаётганини, бунинг аҳамияти ва моҳиятини алоҳида таъкидлаш ва эътироф этиш зарур, деб биламан.

Шу борада одамларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг дунёқараши тобора ўзгариб, уларнинг онгу тафаккури юксалиб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, дахлдорлик туйуси охиб бораётган бир пайтда бу жараёнларда айнан матбуот соҳасининг ўрни ва таъсирини юксак баҳолашимиз албатта адолатдан бўлади, деб ҳисоблайман.

Азиз дўстлар!  
Бугун биз XXI асрда — глобаллашув деб ном олган, шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшар эканмиз ва ўз олдимишга Ўзбекистонни ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқиш мақсадини қўйган эканмиз, давр талаблари билан ҳамоҳанг ва ҳамқадм бўлиш ҳаёт кечиршимиз зарурлигини ўзимиз учун яна бир бор аниқ-равшан тасаввур этиб олишимиз шарт.

Олдимишда турган муҳим вазифа ва мақсадлар ҳақида гапирганда, авваламбор, мамлакатимизни ислохот этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни янада кучайтириш ва уларни янги,

юқори босқичга кўтариш ҳаётий заруратга айланиб бораётганини барчамиз чуқур англаб олмақдамиз.

Шу борада ҳаётиимизда ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилган оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, уларни одамларнинг ўз фикр ва фикрларини, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш бугунги кунда энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қонуний кафолатларини таъминлашга қаратилган, халқаро демократик талаб ва стандартларга тўла жавоб берадиган ҳуқуқий замин яратилган, соҳанинг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланиб бораётгани ва бундай ишлар изчил давом эттириляётгани, ҳеч шубҳасиз, бу йўлдаги ҳаракатларимизнинг муҳим таркибий қисмидир.

Айни пайтда бу йўналишда кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалар, амалий ҳаётиимизда тўсиқ бўлиб, ўзининг ечимини кутаётган масалалар ҳали-бери қўлгидини, ўйлаётганимиз, ҳаммамиз, авваламбор, матбуот жамоатчилиги жуда яхши англаб, сезиб турибди.

Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, телерадиоэшиттиришлар, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатларига оид янги қонунларни қабул қилиш бўйича ишларни тезлаштириш кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, уларнинг ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилиш борадиган ролини кучайтиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳам ўзининг амалий ижросини кутиб турибди.

Бу қонунларнинг қабул қилинишидан ҳаммадан ҳам кўпроқ манфаатдор бўладиган сиз, журналистлар бу жараёнда ўз фикр-мулоҳазаларингиз, амалий тақлифларингиз билан фаол иштирок этасиз, деб ишонаман.

Яна бир масала тўғрисида тўхталишни жоиз деб биламан. Бу ўринда гап давлат томонидан оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва матбаа корхоналари, матбуот тарқатувчи ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантириш учун уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш ҳақида бормоқда. Авваламбор, бу тузилмаларга янги йилдан бошлаб солиқ юкнини сезиларли даражада қамайтириш бўйича имтиёзлар бериш режалаштирилмоқда.

Ана шундай имтиёзлар албатта оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини қوغзда эмас, амалда таъминлаш учун молиявий шароит тугдириб бериши, ушбу соҳада меҳнат қилаётган ишчи ва ходимларнинг даромадини, моддий фаровонлигини ошириш билан бирга, бошқа бир қатор соҳа ва тармоқлар ривожига ҳам катта таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

Биз шу борада тараққий топган давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, ушбу масаланинг ижросини қатъий назорат олишимизни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Олдимишда турган яна бир муҳим вазифа борки, у ҳам бўлса, матбуот соҳасида ҳали-бери учраб турадиган ўткир мавзуларнинг четлаб ўтиш, ўзини ўзи назорат қилиш, мансабда ўтирган кишиларга ипотайлик, кимгадир ёмон кўринмаслик, воқеликка бир хил ёндашув каби камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқдир.

Соҳада кадрлар, хусусан, ёш журналистларни тайёрлаш тизимини тубдан ўзгарттириш, журналистик таълимга иқтисослашган олий ўқув юрталарининг ўқув-методик базасини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, катта маҳорат ва ижодий тажрибага эга бўлган мутахассисларни, илгор педагогик технологияларни таълим жараёнига жалб этиш бўйича ҳам ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Шулар қаторида халқаро майдонда инновация соҳасида эришилган ютуқларни пухта ўзлаштириш, журналистларимизнинг

ўз хорижий ҳамкасблари билан тажриба алмашиш тизимини янгича асосда йўлга қўйиш вазифаси ҳам долзарб бўлиб турибди. Барчамизга аёнки, бундай вазифаларни бажаришда замонавий медиа техника ва технологияларни, Интернет тизимида қўлланадиган тилларни пухта эгаллаш гоят муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, мустақил, янгича фикрлайдиган, истеъдодли ёшларга оммавий ахборот воситалари соҳасида кенг йўл очиб беришга қаратилган ишларни янада кучайтиришимиз зарурлигини, ўйлаётганимиз, барчамиз яхши тушунамиз.

Бугунги кунда ахборот оламида Интернет даври келгани, интернет-телевидение, интернет-радио, электрон почта, онлайн-видео каби қўллаб янги ахборот тарқатиш технологиялари қандай тез суръатлар билан ривожланиб, уларнинг аудиторияси ва таъсир доираси тобора кенгайиб бораётгани ҳақида ортиқча гапиришга зарурат йўқ, деб ўйлайман.

Бундай ахборот воситаларига асосан ёшларнинг жуда катта қизиқиши билан қараши ва улардан кенг фойдаланишини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, бу масаланинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканини англаш қийин эмас. Айтиш керакки, ёшлар билан тенг бўлиб, самимий ва самарали мулоқот қилиш учун мана шундай ахборот-коммуникация технологияларини барча журналистлар, биринчи навбатда, ёш журналистларимиз ҳар томонлама чуқур ва атрофлича эгаллаши кераклигини кимгадир тушунтириб беришга ҳеч қандай ҳожат йўқ.

Албатта, Интернет орқали дунёнинг ис-талган нуқтаси билан тезкор алоқа ўрнатиш, зудлик билан зарур ахборот ва маълумотларни олиш, билим ва маърифатни оширишда унинг беқиёс ўрни ва аҳамияти борлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Биз одамларимизнинг Интернет имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишга бўлган интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Тақрор бўлса-да, айтмоқчиман — ахборот оламида қандайдир девор ўрнатиш, ўз қобилига ўралиб, маҳдудликка юз тутиш йўли бизга асло маъқул эмас.

Шу билан бирга, бугун ён-атрофимизда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеаларни инобатга оладиган бўлсак, ҳали онги, ҳаётий қарашларни шаклландир улгурман ёшларни чалғитишга қаратилган ғаразли кунлар ҳам Интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай интилишларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Жамиятда тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга, ўзаро адоват ва тўқнашувларга сабаб бўладиган бундай ҳатарларнинг олдини олишнинг битта йўли бор: ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқини қорадан, дўстни душмандан ажраттишга қодир бўлган, бизнинг қандай бой тарих ва меросга эга эканлигимизни англаб яшайдиган, имон-эътиқодли, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган инсонлар этиб вога етказишимиз, бу масалани ҳеч қачон иккинчи даражали вазифа деб билмаслигимиз керак.

Муҳтарам дўстлар!  
Журналист аҳлининг меҳнати, одамларга, жамоатчиликка таъсири ҳақида шахсан мен доим юксак фикрдаман. Матбуот минбаридан айтилган сўз қандай қудратли акс садо бериши мумкинлигини, унинг таъсири ни самарасини ошириш аввало сезиларнинг маҳоратингиз, ижтимоий позициянгиз, инсоний ва ижодий фаилатларингизга, ҳаммиса масъулият туйуси билан иш олиб боришингизга боғлиқ эканини миллионлаб муштарийлар яхши билади ва сиздан айнан шунга кутади.

Ўз касбининг ҳақиқий устаси ва фидойиси бўлган, ўзининг ҳаққоний сўзи билан одамларни эзгу мақсадларга сафарбар эта оладиган, эл-юрт манфаати, халқимизнинг бугунги ва эртанги куни учун ёниб яшайдиган сиз, жонқуяр журналистларимен ўзимнинг суянчим ва таянчим деб билишимиз бугун яна бир бор айтмоқчиман.

Сизларни касб байрамингиз билан чин қалбимдан табриқлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, янги-янги ижодий ютуқлар, хонадонларингизга бай-зу барака тилайман.

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Муҳаммад АМИН (Ўз) олган сурат

## Фаоллик ва изланиш омили

Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оммавий ахборот соҳасини давр руҳига ҳамоҳанг тарзда ислохот этиш, журналистларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча зарур ҳуқуқий-ташкилий, моддий ва маънавий имкониятларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Бу соҳа ходимларидан масъулиятни, ижтимоий-маънавий бурчини астойдил ҳис этишни, Ватанимиз, халқимиз манфаатларининг том маънодаги ҳимоячилари бўлишни, янгилашни жараёнларининг мазмун-моҳиятини халқимиз, кенг жамоатчиликка холисона, тезкор ва ишончли тарзда етказишни талаб этади.

Юртимизда кенг нишонланаётган 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ўтказилаётган тадбирларда шулар ҳусусида сўз юритилмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб

ўтган тантанали йиғилишда ҳам бу ўз ифодасини топти. Унга вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, ноширлар, матбаачилар, фахрий журналистлар, олий ўқув юрталари журналистика факультетларининг профессор-ўқитувчилари тақлиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриқини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда)



## «Қуёшли»да қуёш яйрайди

24 июн куни Бўстонлик туманининг хушманзаран гўшасида жойлашган «Қуёшли» болалар оромгоҳининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Собиқ Совет Иттифоқи даврида ўқиганлар Қора денгиз соҳилида жойлашган «Артек» лагерини яхши эслашади. Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўз маблағи ҳисобидан кейинги 2-3 йилдан бери ўша «Артек» типидagi, ҳатто кўп жиҳатдан ундан ҳам ўтадиган болалар соғломлаштириш оромгоҳини барпо этиш борасида иш олиб бораётган эди. Асосан 2011 йилнинг январ-июн ойларида

(Давоми 2-бетда)



расман иш бошлади. Ушбу тантанани иштирок этган Халқ таълими вазири ўринбосари Абдуғани Холбеков вазирилик номидан оромгоҳга компьютерлар синфи тўпламини совға қилди. Ғолиб болалар қимматбахо совғалар билан мукофотланди. Уларнинг устозларига биттадан телевизор берилди. Аълочилар ва уларнинг ўқитувчилари касабга уюшма томонидан бепул дам олиш, соғлиғини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлдилар.

# «Қуёшли»да қуёш яйрайди

**(Давоми. Боши 1-бетда)**  
Кумри-ю булбулларнинг навоси болажонларнинг шодон кийкиригига эш бўлиб, кўнглингизни тоғлар қадар кўтариб юборади. Шундай кайфият билан Маънавият саройига кирсангиз, болаларимиз учун мустақиллигимиз шаънига тасаннолар айтасиз. Оромгоҳ замонавий кўроатхоналари-ю ахборот ресурслари марказига эга бўлган мана шу шинам кошонадан бошланади, десак адашмаган бўламиз. Футбол, волейбол, баскетбол майдончалари, теннис корти, иситиладиган сузиш ҳавзалари, ёзги томошагоҳ — барчаси шинам ва замонавий. Ошхонани айтмайсизми, музлатгичлар, идиш-товоқ ювадиган конвейер, печлар — ҳаммаси охири русумда. Мини печ қўлидан чиққан иссиқ нон хиди димоғингизни қитқилайди. Тажрибали ошпаз Раҳматилла Абдусаматов тайёрлаган мазали таомлар болажонларга жуда манзур бўлмоқда.

амалдаги ифодаси эди. Мана, мамлакатимиздаги мактабларнинг энг аълочи ўқувчиларидан 360 таси, жумладан, Халқ таълими вазирилик томонидан ўтказилган «Билмиллар танлови»да ғолиб чиққан 230 та ўқувчи ва уларнинг устозлари оромгоҳнинг тантаналар ўтказиладиган майдонига саф тортиб кириб келишди. Болаларнинг чакноқ кўзларидан, бу ерга келажимиз юлдузлари жамланганини сезиш мумкин эди. Оромгоҳ раҳбари Йўлчибой Раҳимжоннинг ишораси билан Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, давлат мадҳияси янгради. Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева ўз сўзида таъкидлаганидек, касабга уюшмалари тасарруфидоги интеллектуал болалар оромгоҳи


3-4 та мана шундай намунали оромгоҳ барпо этиш режалаштирилмоқда. «Қуёшли» оромгоҳи эса ўқини-ўрганиш майдонига қуёш порлаган аълочи болажонларимизнинг намунали, оғзу-ҳавасли маскани бўлиб қолади.

**Ўз мухбиримиз. Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар**



## Миннатдорчилик

**Бошимга тушган ноҳақликлар юзасидан кимга арз қилишни, кимдан наҳот топишни билмай, анча овора бўлдим. Ниҳоят, яхши кишиларнинг маслаҳати билан Навоий вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилдим.**



## Бир умр миннатдорман

Мен туман Ўсимликларни химоя қилиш отряди ҳосилоти бўлиб ишлайман. 2009 йилда берилиши лозим бўлган иш ҳақим тўланмасдан қолиб кетган эди. Устига устак, маъмурият мен билан ўзаро келишмасдан туриб, тўрт ойга ўз ҳисобимдан меҳнат таътилига чиқариб юборди. Шу тарихга 2010 йил учун меҳнат таътилидан ҳам маҳрум бўлиб қолдим. АСМ ходимлари касабга уюшмаси Навоий вилоят кенгаши раиси Шариф Худойкулов ҳамда меҳнатни муҳофазат қилиш бўлими бош муҳасассиси Чори Қодиров юзага келган ҳолатни атрофлича ўрганди. Иш жойида ўтказилган суриштирув ва юзлаштирувлар натижасида барча ўзибўларчиликлар кундай равшан бўлиб қолди. Охир-оқибатда пайсалга солиниб келинган 984 минг 185 сўм пул менга тўлиқ ундирилди. 2009 ва 2010 йиллар давомида фойдаланилмаган меҳнат таътиллари ома марказимиз раҳбарининг буйруғига кўра 2011 йил август ва сентябр ойларида кўчирилди. Гап топталаётган инсон қадр-қиммати, адолатсизликлар қандай хулосаларга олиб келиши ҳақида кетар экан, аввало, ҳар бир фуқаро химоясига отланган барча касабга уюшмаси фаолларига, айниқса, ўз соҳасининг пухта билимдонси Чори Қодировга «Ishonch» газетаси орқали ўз миннатдорчилигини билдираман.

**Мусаллам ТИЛЛАЕВА**  
Хатирчи тумани

## Касабга уюшмалари «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да



**Касабга уюшмаларнинг бош вазифаси — бевосита инсон манфаатларини ифода этиш, ходимларни химоя қилишдир. Шундан келиб чиқиб, суҳбатимизни «Фуқаролик жамиятини шакллантириш шариатида Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясига бирлашган касабга уюшмаларининг Ҳаракат Дастури»да белгиланган бирламчи йўналишлар бўйича тармоқ касабга уюшмаси вилоят кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар билан танишишдан бошласак.**

Тизимимизда Наманган шаҳар, 11 та туман, ўрта махсус, касб-хунар таълими бирлашган касабга уюшма кўмиталари, 1158 та бошланғич ташкилотлар бўлиб, улар 235 минг нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган. Аъзоларнинг 88 минг нафари ишловчи ходимлар, 147 минг нафари олий ўқув юрти талабалари, академик лицей ва касб-хунар коллежлар ўқувчиларидир. Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг V, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабга уюшмасининг IV Қурултойлари қарорларини бажариш, касабга уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, ҳуқуқлари, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, бўш вақтларини мазмунли уюштириш ишларини замон талабига мос равишда олиб боришга ҳаракат қилаётимиз. Бу вазифани бажариш мақсадида вилоят миқёсида халқ таълими бошқармаси билан тузилган битта, шаҳар, туманларда халқ таълими бўлимлари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси билан тузилган 13 та жамоа келишув талаблар даражасида экспертиза қилинган, уларнинг мазмуни бошланғич ташкилотларга етказилган. Мазкур келишувлар асосида юридик макомга эга 1358 та ташкилотда жамоа шартномалари қабул қилинди. Ўз вақтида тўланган ҳақ ходим учун яхши рағбат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, амалдаги жамоа шартномаларига иш ҳақини тўлаш муддатлари, тўлов кечиктирилган ҳолларни назорат қилиб бориш мақсадида

иш берувчиларнинг жавобгарлиги каби бандлар киритилган. — Касабга уюшмалари иш берувчилар билан ҳамкорликда бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағлар ҳисобидан қўйилган маблағлар ҳисобидан, боқувчисини йўқотган, кўп болали, ёлғиз-кекса, ногирон ҳамда уруш қатнашчилари, етим талаба-ўқувчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Масалан: вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида 2010 йил мобайнида 520,1 млн. сўм маблағ топилган бўлиб, улардан иш ҳақлари учун 91,3 млн. сўм, мукофотлашга 4,6 млн. сўм, дори-дармонга 2,5 млн. сўм, спорт анжомларига 46 млн.

дек, чорвачилик ҳисобига сўт маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 40 та янги иш ўрни ташкил этишга ҳам муваффақ бўлинди. Чортоқ туманидаги 11-умумтаълим мактабида 0,5 гектар майдонда ташкил этилган бодом, ўрик ва шафтолизордан келган 4 млн. сўмдан зиёд даромад эвазига кам таъминланган оилаларнинг 27 нафар фарзандига бепул дарслик ва ўқув қуроллари олиб берилди. Кишлоқ жойларидаги таълим муассасаларида иш берувчилар билан касабга уюшмалари ҳамкорлигида кичик фермалар ташкил этилган бўлиб, уларда товуқ, қорамол боқилмоқда, иссиқхоналар барпо этилиб, сабзавот ва мевазорлар парваришланмоқда. Даромад хо-

Жумладан, яқинда Наманган Давлат университетида вилоят касабга уюшмаси кенгаши маблаг ҳисобидан инкубатор қурилмаси сотиб олинди. — **Тармоқ касабга уюшмаси аъзоларнинг кўпчилиги кимсини талабалар ташкил этади...** — Айтиш жоизки, Ёшлар муаммолари билан шугулланувчи Ёшлар кенгашимиз доимий изланишда. Масалан, олий таълим муассасаларида тахсил олаётган ота-онаси 2 нафар чин етим талабага ўқини харажатлари учун 2010-2011 ўқув йилларида 5,7 млн. сўмлик шартнома пули касабга уюшма маблаг ҳисобидан қўлланди. Иқтидорли, кам таъминланган ва жамоатчи талаба-ўқувчилар учун касабга уюшмаларининг устама сти-

## ражада бўлаётми?

— Кенгашимизда тажрибали ҳуқуқшунослар фаолият юритишда, шунинг учун ҳам ҳар бир мурожаат ўз вақтида ва ижобий ечим топишига эришиб келаётимиз. Масалан, Чук-Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судида Поп туман 10-ҳамда 32-умумтаълим мактаби ўқитувчилари Т.Махмудов, Х.Худойбергенов, С.Шавкиновнинг меҳнат ҳуқуқларини химоя қилишда иштирок этиди. Ҳозирги кунда С.Шавкинов ишга тикланиб, ўқитувчилик вазифасини давом эттирмоқда. Жорий йилнинг шу пайтига қадар фуқаролардан тушган 6 та ариза ўрганлиди, 22 та фуқаро шахсий масалалар бўйича қабул қилинди. Хусусан, ишдан ноқонуний четлатилган Уйчи туман 19-мактабга таълим муассасаси бир гуруҳ жамоаси (21 нафар ходим)нинг ҳуқуқи тикланди. Чортоқ туман педагогика коллежи ўқитувчиси Нодира Мусаева мутахассислиги бўйича иш билан таъминланди. — **Бошланғичлар фаолиятини янги босқичга кўтариш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарблиши бормоқда...** — Юздан ортиқ таълим муассасасидаги касабқўм хоналари кўргазмали ташвиқот воситалари билан жиҳозланди. Яқинда Марказий кенгаш талабали «Чимён» сўхатгоҳида ўтказилган минтақавий ўқув-семинарда вилоятимиздан 36 нафар мактаб касабга уюшма раиси иштирок этди. Мазкур ўқувда иштирок этган барча вакилларнинг ташкилоти таянч деб эълон қилиниб, кабинетларини жиҳозлаш учун Марказий кенгаш ҳисобидан маблағ ажратилди. Бу хоналар нафақат касабқўм хонаси, балки ўқитувчилар учун ҳордиқ чиқариш масканига ҳам айлантирилади. Шунингдек, Марказий кенгаш ҳисобидан Уйчи туманидаги 7-, 34-, Норин туманидаги 44-мактаблар, 10-мактабга таълим муассасаси, «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг Республика босқичида ғолиб бўлган Учқўрғон иқтисодий коллежи касабга уюшма кўмиталарига компютер, иккинчи ўринни қўлга киритган Норин туманидаги 31-мактаб касабга кўмитасига телевизор, стол теннис анжомлари, учинчи ўринга эга бўлган Наманган туманидаги 13-мактаб касабга кўмитасига идора жиҳозлари совға қилинди. — **Тарих зарварларига муҳрланган саодатли кунларда замонаш бўлиш сизу бизга наоиб этди. Яқин кунларда қўлга киритганимиз ҲУРРИЯТнинг йигирманчи довоғига кўтариламиз. Шундай кутлуғ арафанда кўнглингиздаги уяларингиз...** — Гузал юртимиз, ноёб табиати-миз, бетакрор Ватанимиз, меҳнаткаш, баргирек ва олижаноб халқимиз бор. Ана шундай юрда яшаш, шундай табиятдан нафас олиш, бизга ҳизмат этганига шукр. Ана шу улуг ноёматга муносиб бўлиш, азиз Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш, барчамиз учун олий саодатдир. «Ishonch» мухбири Дилдора РАҲМОНОВА суҳбатлашди

# «Ташаббускорлик ва фридойиллик — бугунги кун талаби...»

**дейди Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Наманган вилояти кенгаши раиси Розахон ДЕҲҚОНОВА**

сўм, даврий нашрлар обунасига 2,1 млн. сўм, оммавий-маданий ишларга 4,7 млн. сўм сарфланган. — **Давр ҳар бир кишидан тadbиркорлик ва омиликорлик билан иш қўришни талаб этмоқда. Касабга уюшмалари бу борада қандай муваффақиятга эришмоқда?** — Касб-хунар коллежлари тизимида меҳнатни меъёраштириш мақсадида 11 та кичик корхона ишлари касабга уюшма иштирокчида олиб боришмоқда. Уларда етиштирилган маҳсулотлар ходимларга арзонлаштирилган ҳолда берилади. Масалан, Чортоқ иқтисодий коллежиде ташкил этилган сўтчи қайта ишлаб чиқариш кичик корхонаси маҳсулотлари кўпчилигини дастурхонини бевозомда. Нарҳлар ҳам нисбатан арзон. Косонсой маиший хизмат, Янгиқўрғон кишлоқ хўжалиги ва Наманган кишлоқ хўжалик коллежларида томат ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Чуст педагогика ва сервис ҳамда Наманган савдо коллежларида ун маҳсулотлари қайта ишланаётир. Наманган шаҳридаги агротадбиркорлик коллежи ўтган йили 26 гектарлик майдонда етиштирилган бугдойидан 6 млн. 230 минг сўм, пахта ҳосилидан эса 8 млн. 154 минг сўм даромад олди. Шунинг-

дим ва ўқувчилар эҳтиёжларига сарфланмоқда. Мазкур хайрли ишларнинг бир фойдали жиҳати ҳам борки, уни таъкидлашнинг иложи йўқ. Бу — юртдошларимизнинг иш билан таъминланаётганидир. Хусусан, 2010 йил бюджетдан ташқари топилган маблағ ҳисобидан мактаб ва мактабга таълим муассасаларида 15 та иш ўрни барпо этилди ва улар учун 7,6 млн. сўм сарфланди. Вилоят касабга уюшмаларига қарашли «Камалак» болалар оромгоҳида тармоқ касабга уюшмаси боғини ташкил этиш учун 900 туп олма, бодом, ёнғоқ кўчатлари олиниб, уларни экиш ишлари амалга оширилди. Кўчат ораларига помидор, бодиринг, қарам, қалампир экиб, ҳосил оромгоҳда дам олаётган болаларга берилмоқда. Вилоят Ёшлар кенгаши Поп туманидаги 37-мактабнинг 70 сотих ерига 50 туп арча, 300 туп ўрик, ёнғоқ, беҳи кўчатларини ўтказиб, «Ёшлар кенгаши боғи» ва хиёбон ташкил этди. Тармоғимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ишларини ривожлантиришда фаол қатнашиш билан биргаликда касабга уюшма ташкилотларида ҳам бу ишларни йўлга қўйиш чоралари қўрилмоқда.

пендиялари таъсис этилиб, 2010-2011 ўқув йилида устама стипендия олувчи талаба-ўқувчилар 32 нафарни ташкил этди. Улардан 6 нафари олий ўқув юртиларида, 26 нафари касб-хунар коллежларида тахсил олишди. «Энг намунали талабалар турар-жойи» республика кўрик-танловида вилоятимиздан Наманган муҳандислик-педагогика институти ва унинг қошидаги академик лицей қатнашиб, «Талабалар турар-жойидаги намунали маънавият хонаси» номинациясида ғолиб деб эътироф қилинди. Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, «Камалот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва касабга уюшма вилоят кенгаши томонидан «Энг намунали ўқувчилар турар-жойи» кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритган Наманган агротадбиркорлик, Мингбулоқ туманидаги Узғариш маиший хизмат, Косонсой туманидаги педагогика, Чуст туманидаги Баймоқ агрориктисодий коллежлари эсдалик совғалари билан тақдирланди. — **Меҳнат қонунчилигига амал қилиш, бу борадаги муаммоларни ҳал қилишда тармоқ касабга уюшмаси вилоят кенгашининг аҳамияти қай да-**

### Мустақиллик – менинг тақдиримда

Яқинда бир тележурналист турли касб эгаларидан «Сизнингча омад нима?» деб сўради. «Омад меҳнат маҳсули» деди уларнинг бири. «Бахтли одамга омад эргашиб юради» деди кимдир. Бошқа бирови эса омаднинг тасодифий ҳол эканини таъкидлади. Шунда мен ҳам ўзимча бу саволнинг жавобини изладим. Кўп йиллик иш тажрибамга асосланиб шуни айтишим мумкинки, кишининг омади атрофидоғиларга жуда-жуда боғлиқ.

Агар одамлар сени қўллаб-қувватлаша, сенга ишониша зиммандаги масъулият юки янада ортаверади. Масъулият эса изланишга, меҳнату ижодга ундайди. Қарабсизки, ўз-ўзидан омад сари йўл очилади. Шу жиҳатдан ўзимни омадли ижодкор деб ҳисоблайман. Чунки ҳамиша яхши инсонларга ҳамроҳ бўлдим, уларнинг меҳри ва эътиборидан куч-қувват олиб илгариларимизга.

Бир неча йил аввал фермерлар иш фаолиятини журналда ёритиш учун Жиззахга бордим. Дўстлик туманидаги Марҳамат Бўлтақова ҳақида гапириб беришди.

## Яхшилар кўп йўлимда...

— Этигини ёзу қиш ечмайди. Тўй-маъракаларга ҳам тўппа-тўғри даладан чиқиб бораверади. Ҳокимлик биносига шартта кириб, гапини айтиб-айтиб чиқиб кетади. Унта эркакнинг жасорати шунчаликмас-а. Бундан ҳам қизиги, ҳар йилги даромадидан, энг аввало, тумандаги боғчаларга ажратади. Қайсидир йили ҳосили яхши бўлмай қолганда уйддаги зар-зеварларини сотиб пулини боғчага ўтказган!

— Шу аёл билан учрашиб суҳбатлашай, — дедим.

— Феъли сал чатоқроқ, бир дардга чалинган шундай бўлиб қолди. Бораверасизми?

— Фермернинг даласи томон йўл олди. Барваста аёл қаршимизга чиқди, саломлашди.

— Сиз ҳақда ёзмоқчиман, бирпас ўтириб суҳбатлашасан...

— Менинг ўтиришга вақтим йўқ! Хўш, нимани ёзмоқчисиз?

— Умримда биринчи марта суҳбатдошим олдида додирдим. Ахир олисдан келган муҳбирга шунақа кўрс муомала қилиш керакми? Шартта ортимга қайтиб кетмоқчи ҳам бўлдим. Лекин рўпарамда жисман хаста бўлса-да, ўзини эмас ўзгаларни ўйлаб меҳнат қилаётган шижоатли бир аёл турарди! Ўзимни қўлга олиб, секингина дедим:

— Сиз қилаётган яхши ишлар ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди...

— Фермер аёл бояги гапидан хижолат тортгани, мени ақинроқдаги соя жойга бошлади. Дарахт тагида ўтириб суҳбатлашдик. Очигини айтсам, фермер аёлнинг сўзларини тинглагач, ҳаётга бошқача назар билан қарайдиган бўлдим. Ахир инсон фақат ўз ташвишлари билан ўралашиб яшайверса, жамиятга ҳеч бир фойда келтирмайдику. Демак жисми-миз ва руҳиятимиздаги айрим камчиликларни эзгу ишларимиз билан тўлдирсак, аввало, дардларимиз унутилади, атрофдоғиларга ҳам зиён етказмаймиз, балки уларни ўз жасоратимизга эргаштирамиз. Ҳаётни кулиб қарши олишни ўрганишимиз керак экан, аслида. Шундагина йўлимиздаги ҳамма тўсиқларни енгиб ўтишга куч топа оламиз. Қаҳрамоним — Марҳамат Бўлтақовага ўхшаш мардона аёлларни кейинчалик юртимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан кўп мартаба учратганман.

— Ҳазрат Юсуф хос Ҳожиб қалам аҳлига «сўз терувчилар» деб таъриф берган эканлар. Чиндан ҳам ижод шунчаки бир машғулот эмас, балки Сўз билан ишлаш санъатидир. Шундай экан, ижодкор айтар сўзига ҳеч вақт энгил-елпи қарамаслиги керак. Бу ижоднинг энг муҳим шарт саналади. Янада муҳимроғи, ижодда тўхтаб қолмаслик зарур. Ижод-


нинг олтин қоидаси — тинмай изланиш ва ёзишдан иборат. Бугунги давр ижод аҳлига худди шундай изланиш ва ёзиш талабини қўймоқда. Бунга журъатимиз ҳам, қудратимиз ҳам етади. Ахир истиқлолнинг гўзал имконлари орзу-умидларимизга қанот бахш этди, қалбимизга қувват, руҳимизга мадад берди. Қолаверса, давр шиддат билан кечаётган бир пайтда журналист учун мавзулар қўла-ми кенгайиб, мазмун ва моҳияти тобора ортаятти. Атрофимизда эзгу ишлари билан эл-юрт назарига тушган, ҳатто чет мамлакатларидаги ҳамкасбларини доғда қолдираётган кишилар жуда кўп. Уларнинг ҳар бири ҳақида жўшиб ёзасан арзийди. Қолаверса, қалам аҳлининг ўзига ҳам бир қанча имконият ва шарт-шароит яратиб берилган. Турли кўрик-танловлар пешма-пеш ўтказиб борилади. Бу эса ижодкорлар ўртасида рақобатни кучайтиради, уларни янада кўпроқ ёзишга, ўз соҳасида билим ва малакаларини оширишга ундайди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўша мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»га оид маърузасида шундай дейилади: «Юртимизда аввало оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустақкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди...»

— Эндиликда матбуотнинг ўз қонунлари, журналистнинг ўз ҳуқуқлари бор. Биз озоқ Фикр майдонидан туриб сўзлашамиз, ёзаямиз. Давлатимиз раҳбари ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда, «ютуқни-ютуқ, камчиликни-камчилик, жиноятни-жиноят, хиёнатни-хиёнат, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ» заруригига дават этмоқда. Бу эса бизни руслантириш баробарида, зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди. Демак, миллий мафкурамиз, мустақиллигимиз ва қонунларимиз мазмун-моҳиятини кишиларимизга аңглатиш жоиз экан. Аввало, бу борадаги билимларимизни чуқурлаштиришимиз, қонунлар хусусидаги тушунча ва тасаввурларимиз доирасини янада кенгайтиришимиз зарур бўлади.

— Менимча, биз худди шу йўлдан шахдам одамларимиз.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



Газетанинг мазмун-мундарижаси бойишига ҳисса қўшиб келаётган иқтидорли, изланувчан ёш журналистлар таҳририятимизда кўпчиликни ташкил қилади. Қисқа фурсатда ўз фотолавларини, давр руҳини акс эттирган мазмунли мақолалари билан кўпчиликнинг эътиборини қозongan «Ishonch»нинг ана шундай фидойи ёшларидан бири Назира Боймуродовадир.

### «Биз – бунёдкор халқимиз» танловига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустақкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Жиззах шаҳар 1-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабининг қурилиб фойдаланишга топширилганлигидан хабарингиз бор.



## Наволари жаҳонни тўлғай

Мазкур мусиқа ва санъат мактаби 2010 йил 11 октябрда қадар Жиззах шаҳар Наврўз маҳалласи 3.Санакулов кўчаси 7-уйда жойлашганди, — дейди 1-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби директори Суннатилла Раимжонов. — Жиззах шаҳар ҳокимининг 2010 йил 30 декабрдаги қарорига асосан Халқлар Дўстлиги шоҳ қўчасида янги барпо этилган 1-типдаги 200 ўқувчи қатновига мўлжалланган янги бинога кўчиб ўтдик.

Мактабимиз 2010 йил куз ойида фойдаланишга топширилгани боис эрта баҳор-

даноқ кўкаламзорлаштириш ишларини бошлаб юбордик. Мактаб ҳовлисини тозалаб 100 туп гилос, 300 туп те-рак, 200 туп мевали дарахт, 60 туп арча, 20 туп сосна, мингдан ортиқ атиргул ҳамда манзарали гул кўчат-

лари эқдик. Чиндан ҳам бугун мазкур билим даргоҳи кўрганнинг кўзини қувонтириб, ҳавасини келтиради. Барча дарахтлар ва гуллар эркинлик шабадаларидан баҳра олиб, кундан-кунга яшнамоқда.

Ҳадемай, бу мактабда таълим олаётган иқтидорли ёшларнинг овозлари дунё бўйлаб жарангласа ажабмас.

Назира БОЙМУРОДОВА,  
«Ishonch» муҳбири,  
Муаллиф олган сурат.



Газета-журнал ва китоб-журнал мажмуаларини ўзида қамраб олган «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси юртимиздаги энг йирик матбаачилик муассасаси ҳисобланади. Бугун бу ерда бешта тилда, 65 номда бир ҳафтада бир ярим миллион нусхада газета, бир ойда 20 номда бир миллион нусхада журнал чоп этилади. Бу матбаачилик хизматининг юқори даражада йўлга қўйилганлиги ва илгор замонавий технологиялардан самарали фойдаланилаётганлиги билан боғлиқ.

Мазкур мажмуаларнинг қолип тайёрлаш, офсет босиш, муқовалаш, тикиш-йиғиш, чоп этиш, экспедиция тарқатиш цехларида бевосита ишлаб чиқариш билан машғул ходимлар сони салкам 500 нафарни ташкил қилади.

Газета-журнал мажмуасига дунёга машхур АКФА фирмасининг СТП (компьютердан тўғридан-тўғри қолипга олиш) ускунаси ўрнатилган, узок йиллардан бери амалда қўлланиб келинган плёнка чиқариш, монтаж қилиш, нусха кўчириш сингари жараёнлар қисқариб, матбуот нашрларининг электрон варианты, яъни файлдан тўғридан-тўғри қолип тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу махсулот сифатининг яхшиланиши ва албатта, иш унумдорлигига ижобий самара кўрсатмоқда.

Виталий ШЕВНИН  
олган сурат

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох қилиш ва модернизациялаш бўйича устувор вазифалар, шунингдек, ахборот макони глобаллашувининг кучайиши, жаҳонда содир бўлаётган воқеаларга тез ва мос равишда муносабат билдира олиш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ҳақида республика аҳолисини, дунё ҳамжамиятини ўз вақтида ва холисона хабардор қилиш билан боғлиқ долзарб вазифалар бугунги журналистнинг касбий масъулиятига айланиб улгурди. Истиқлол сабаб юртимизда бу масъулиятни ўзига шиор қилган оммавий ахборот воситалари ходимларининг шундай қатлами шаклланди.

Соҳа заҳматкашларининг касб байрами сифатида эълон қилинган тарихий кун муносабати билан юртимиздаги барча ОАВ вакиллари, хусусан, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг фидойи ходимларини чин юракдан табриклаймиз.

Касбингиздан улаётган барака тугалмас, ривожингиз бутун, ижодий салоҳиятингиз юксак бўлсин! Вирдошингиз — қаламнинг олдига фақат эътиборингиз хизмат қилаверсин.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КАСАБА  
УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ

Касаба уюшма тадбири



Юртимизда либослар намоишига бағишланган кўллаб тадбирлар ўтказилмоқда. Миллий матоларимиз — атлас, адреснинг товганиши кимни лол қолдирмаган дейсиз. Бу борада кўҳна анъаналаримиз давомчилари бўлмиш кўлигул чеварларимиз маҳоратига қойил қолмай илож йўқ.

Иқтидорлар кашф этилди

Анджон шаҳрида вилоят ҳокимлиги, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бирлашган касаба уюшма кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Асл либослар» миллий кўргазмаси ўзбек қизларининг иқтидорини яна бир қарра намоиш этди.

Энгил саноат касб-хунар коллежи биносида бўлиб ўтган тадбирда таълим муассасалари раҳбарлари, коллеж талаба қизлари, фахрий меҳмонлар, мутасадди ташкилот вакиллари иштирок этди.

Шаҳар ва туман босқичларида голиб чиққан 12 та таълим муассасаси 4 та йўналишда либосларини намоиш қилди. Раҳбар аёл ва талаба ёшларнинг мавсумий кийими, миллий матолардан тикилган замонавий кийимлар, болалар кийими номинациялари бўйича чиқиш-

лар кўпчиликлари манзур бўлди.

Танловда фаол иштирок этган 9 нафар талаба-қиз эсдалик совғалар билан тақдирланди. Номинациялар бўйича Бўз педагогика, Анджон миллий хунармандчилик ва ижтимоий иқтисодиёт, Анджон кичик ва ўрта бизнес касб-хунар коллежлари ҳамда мезбон жамоалари голиб деб топилди.

Голибларни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Нигора Якубова самимий кутлади. «Ўзбекинав» эстрада бирлашмаси хонандалари томонидан ижро этилган куй ва кўшиқлар қатнашчиларга байрамона кайфият улашди.

**Абдулхал ЮНУСОВ,**  
**«Ishonch» мухбири.**  
**Абдуносир КҲҶҚОРОВ**  
олган суратлар

Мустақилликнинг 20 йиллигига

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси ва Халқаро Амир Темур жамғармасининг Туркиядаги вакили Сулаймон Мардон ўғлининг «ЎЗБЕКИСТОН туризм йўриқномаси» китоби нашр этилди. Ушбу китоб Ўзбекистон Республикасининг 20 йиллик тўйига армуғондир.

Муносиб армуғон

Муаллиф Ўзбекистоннинг бой маданияти, шонли тарихи ҳақида сўз юритар экан, дунё тамаддунига салмоқли улуш қўшган машҳур мутафаккирларнинг аксарияти шу юрта дунёга келгани, камолга етганини алоҳида хурмат билан таъкидлади.

Ўзбекистонга бир неча бор келган Сулаймон Мардон ўғли таълим муассасалари, маданий марказлар, кўчаларнинг аждодларимиз номи билан аталishiга ургу бериб, мустақиллик йилларида маданий ҳаётда рўй берган ўзгаришларни Президент Ислам Каримовнинг «Туркистон-Пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсидан келтирилган парча орқали кўрсатишни маъқул кўради. Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси раисининг китобдан ўрин олган мақоласида юртимиздаги тарихий обидаларнинг мустақилликдан олдинги аҳоли аянчи бўлгани, эндиликда нодир ёдгорликлар таъмирланиб, муқаддас қадимжолар обод этилгани таъкидланади.

Китобда Мустақиллик шарофати ила дунёнинг илгор мамлакатлари билан тенг асосли муносабатларнинг ўрнатилиши каби муҳим воқеалар қаламга олинади.

Тошкент метроси, Мустақиллик майдони, Шайх Ҳованди Тахур мақбараси, Шайх Зайниддин ота мақбараси, Хўжа Ахрор Валий масжиди, Тилла Шайх масжиди, Юнусхон мақбараси, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси кутубхонаси, Кўкалдош мадрасаси, Ҳазрати Имом мажмуаси, Тошкент телеминораси, Ўзбекистон халқлари тарихи Давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, опера ва балет театри, шаҳардаги истироҳат боғлари, кутубхоналар, олий ўқув юртлири Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган дам олиш масканлари ҳақидаги эътирофлар ҳеч бир сайёҳни бефарқ қолдирмайди.

Ер юзининг сайқали ҳисобланган Самарқанд тарихи, шаҳарнинг бугунги жамоли, нодир тарихий ёдгорликлари, хусусан, Бибиҳоним мажмуаси, Хўжа Ахрор Валий мақбараси, Регистон майдони, Шоҳи Зинда, Гури Амир мажмуалари ҳақидаги батафсил маълумотлар тарих ҳақидаги билимларни янада бойитади.

«Буюк ипак йўли ва Ўзбекистонда сайёҳлик» деб номланувчи бўлимда Ипак йўли тарихи ҳақида сўз юритилган экан, юртимизда 4000 дан ортиқ тарихий ёдгорликлар борлиги эътироф этилади ва Ўзбекистон Миср, Хиндистон, Юнонистон, Римга тенглаштирилади. Юртимиздаги дам олиш жойлари баҳаволиги ва бетакрор манзаралари билан ажралиб туриши, булоқларнинг суви Кавказ минерал сувларидан асло қолишмаслиги муаллиф томонидан эътироф этилади.

Сайёҳлик соҳасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритган муаллиф Президент Ислам Каримов ташаббуси билан 1992 йилнинг июн ойида «Интурист» халқаро ташкилоти, ёшлар туризми билан шуғулланувчи «Спутник» ташкилотининг ташкил этилгани, мазкур ташкилотлар Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшаётганликларини таъкидлайди. 1995 йилда Ўзбекистонга 100.000 сайёҳ ташриф буюрган бўлса, 2008 йилда уларнинг сони 900.000дан ошгани Ўзбекистонда халқаро талабларга тўла жавоб берувчи туризм хизматининг муваффақиятли йўлга қўйилганидан далолат бериши қайд этилади.

Китобда Ўзбекистондаги Европа андозаларига жавоб берувчи меҳмонхоналар рўйхати, миллий пул бирлиги, халқаро телефон сўзлашгичлари ҳақидаги маълумотлар, муҳим манзиллар, ўзбек алифбоси, ўзбекча-туркча сўзлашгичнинг ҳам берилиши сайёҳлар учун қўлайлик туғдиради. Китобни юртимиздаги муқаддас қадимжолар, нодир тарихий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойлар акс этган 130 та рангли сурат беэаб турибди. Ушбу китоб ҳеч бир муболагасиз халқаро алоқаларнинг янада кенгайиши, халқлар ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланиши, юртимизда туризмнинг янада ривожланишига ҳисса қўшади, дейиш мумкин.

**Сабоҳат БОЗОРОВА,**  
УЗМУ ўқитувчиси

Хунарни асрабон нетгумдир охир

Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий кўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг Фарғона вилоят бўлими, Марғилон шаҳар ҳокимлиги «Нуроний» шаҳар жамғармаси бўлими ташаббуси билан шаҳар Хунармандлар уюшмаси марказида фахрий ҳамда ёш хунармандлар учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирни «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси Х.Низомидинов очди. Вилоят бўлими раиси Тилаволди Холдоров маъруза килди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Марғилон шаҳар бизнес маркази раҳбари Олимжон Ғаниев, «Адолат» МТС хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Р.Тешабоевлар ҳам мавзуга оид бир ханча масалаларга эътибор қаратдилар.

Сўнгра қатнашчилар хусусий «Орзу» ишлаб чиқариш фирмаси иш фаолияти билан таништириди. Дастлаб 5 киши билан иш бошлаган ушбу фирмада айни пайтда 20 нафар ишчи меҳнат қилляпти. Унлаб шогирдлар хунар ўрганмоқда. Бу ерда аёллар, эркаклар, болалар ва рақосалар кийимлари, зартувлар, сачна пардалари, болалар дўппилари, элита пардалар каби 15 турда маҳсулот тайёрланяпти.

Хунармандлар марказида очилган шаҳар хунармандлари ишлаб чиқарётган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам барчада катта таассурот қолдирди.

**Муҳаммадjon МАХМУДОВ**

Лондон – 2012 сари йўл

Мамлакатимиз велоспорти янги, янада юксакроқ босқичга чиқиб олди. Буни Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларида Владимир Тўйчиев томонидан олтин медал кўлга киритилганлиги ҳам тасдиқлаб турибди. Яна бир муҳир велоспортчимиз Муроджон Холмуротовнинг феврал ойида Таиландда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида кумуш медалга сазовор бўлиши натижасида велоспорт Федерацияси 2012 йилда Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига лицензия олишга муваффақ бўлди.

Велоспортнинг муваффақиятли одимлари

Ёдингизда бўлса, Ўзбекистон велоспорт Федерациясининг IV ҳисобот сайлов конференциясида соҳадаги ушбу муваффақиятлар алоҳида таъкидланди. Шунингдек, истиқболли спорт турини ривожлантириш борасида Федерация олдида турган муҳим вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар муҳокама этилиб, хусусан, спортчиларни зарур техника ва техник жиҳозлар, махсус спорт кийимлари ва анжонлари билан таъминлаш юзасидан тақлифлар ўртага ташланди.

Конференцияда ташкилий масала ҳам кўрилиб, ЎзКУФК овоздан Федерация раиси этиб сайланди.

— Мамлакатимизда велоспортни ривожлантириш борасида касаба уюшмаларига билдирилган юксак ишонч барчамизнинг зиммамызига улкан масъулият юклайди, — деганди ўшанда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси, велоспорт Федерацияси раиси Танзила Нарбаева. — Ишни аввало, бу соҳада мавжуд базани таҳлил этиш ва республикамиз ҳудудларидаги Олимпия захиралари мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашдан бошлаш лозимлигига эътиборингизни қаратмоқчиман. Зеро, спортчилар учун зарур шарт-шароитлар яратишдан мақсад мамлакатимизда велоспорти янада жадал ривожлантиришдир.

Келгусида касаба уюшмалари тизимида велоспорт мактабини ташкил этиш режаси ҳам бор.

Албатта, кейинги пайтларда велоспортчиларимиз томонидан кўлга киритилаётган залворли ютуқларни эътироф этиш жоиз. Масалан, ўтган йили вакилларимиз халқаро йил майдонларда ўтказилган турли мусобақаларда 20 та медални кўлга киритди. 8 та олтин, 6 та кумуш ва 6 та брон-



за. Бу 2009 йилга нисбатан сайлов кўрсаткичи кўп демаскидир.

Жорий йилнинг ортида ҳам талай ютуқларга эришилди. Хусусан, бу йилги мавсум спортчиларимиз учун 9-20 феврал кунлари (шоссе ва трек бўйича Осиё чемпионати) Наксон Ратасима (Таиланд) шаҳрида 158 км.лик гуруҳ пойғалари билан бошланди. Юқорида айтганимиздек, Осиё чемпионати терма жамоамиз аъзоси (шоссе) Мурод Холмуротов учун омадлик келди. Февралда яна бир мусобақа — Эроннинг Керман шаҳрида «Керман-тур» халқаро кўпкунлик велопойғалари (шоссе) бўлиб ўтди. 5 босқичдан иборат велопойғада очколар жамламаси бўйича умумжамоа ҳисобида мамлакатимиз спортчилари 3-ўринни кўлга киритишди. Март ойида Куала Лумпур (Малайзия) шаҳрида ўтган «Тур-Малайзия» халқаро кўпкунлик велопойғада Мурод Холмуротов 3-ўринни олди ҳамда терма жамоамиз «Осиё» жамоалари ўртасида умумжамоа ҳисобида (шоссе) 2-ўринга эгалик қилди. 1-9 май кунлари Қозонистоннинг Талгар шаҳрида бўлиб ўтган халқаро тоифадаги спорт устаси Н.Бондаренко хотирасига бағишлаб ташкил этилган ўсмирлар ўртасидаги халқаро кўпкунлик велопойғада вакилларимиз умумжамоа ҳисобида шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олишди. Май ойининг 13-18 санасида Тебрис (Эрон) шаҳридаги «Азарбайжан-тур» халқаро кўпкунлик велопойға (шоссе) да 18 дав-

лат, 21 жамоа, 101 нафар спортчи иштирок этиб, мусобақада мамлакатимиздан Мурод Холмуротов, Юсуп Абриков, Абдуллажон Акпаров, Азамат Тўраев, Вадим Шаехов сингари етакчи спортчиларимиз муваффақият қозонишди. 24 ва 30 май кунлари Эроннинг Техрон шаҳри мезбонлик қилган «Тур-Президент» халқаро кўпкунлик велопойғада 12 давлатнинг 13 жамоаси, 78 спортчи — Ўзбекистондан Мурод Холмуротов, Юсуп Абриков, Абдуллажон Акпаров, Азамат Тўраев, Вадим Шаехов сингари спортчилар бешта босқичда беш кун қатнашиб, очколар нисбатига кўра, умумжамоа ҳисобида олтинчи ўринни кўлга киритишди.

Жорий йилнинг ўтган беш ойида мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари жамгарган медаллар сони — 5 та. 2 та кумуш ва 3 та бронзадан иборат бўлиб турибди.

Яқинда Республика ўқув-машғулот маркази велотрекида 1995-1996 йилларда туғилган (ўғил болалар ва қизлар) ўсмирлар ўртасида трек бўйича «Олимпия турлари» деб номланувчи Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Уйлаймизки, велоспортчиларимиз кейинги йили Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишади.

**Нарзулла МАҲАМОВ,**  
«Ishonch» мухбири

Матонатли ғалаба



Мексикада давом этаётган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этаётган вакилларимиз гуруҳ босқичининг сўнгги турида Чехия жамоасига қарши майдонга тушди. Гуруҳдаги 4 жамоа ўтган икки турда 3 очқодан жамгаргани учун кейинги босқичга йўлланма олиш имкониятини сақлаб қолганди. Шу боис беллашувлар қизгин кечди.

Вакилларимиз биринчи бўлиб (23-дақиқа, пеналти) гол ўтказиб юборган бўлишларига қарамай, матонатли ўйин кўрсатиши ҳамда Тимур Ҳакимов (44-дақиқа) ва Аббосбек Махстаилов (72-дақиқа)нинг голлари эвазига ғалаба қозонишди. Натижада, гуруҳда 6 очко жамгарган ҳолда, 1-ўринни кўлга киритишди.

Энди вакилларимиз «F» гуруҳида 3-ўринни эгаллаган жамоа билан нимчорак финалда чорак финал йўлланмаси учун куч сынашади. Учрашув 30 июнда Тошкент вақти билан тунги соат 01:00да бошланади.

**А. АРСЛОНОВ,**  
Ishonch» мухбири

Юқори сифатли Риштон керамикаси, чинни (фарфор)дан тайёрланган гулдон, лаган ва кўшаларга юбилей, никоҳ тўйлари ва бошқа тадбирлар муносабати билан совғалар тайёрлаб берамиз.



«ФОТО TRANS NET» хусусий корхонаси

Уларга замонавий чет эл технологияси асосида расм туширилади. Эски фотосуратлар қайта ишланади. Тайёрлаб бериш мuddати 5 кундан 25 кунгача. Маҳсулот Ўзбекистон ҳудудига бепул өтказиб берилади.

**E-mail: UZFOTONET@inbox.uz**

Тел: +998 66 920 39 59, +998 73 529 11 14.

Гувоҳнома №411

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси газетанинг ижтимоий-иқтисодий сўбат бўлими муҳаррири Шарофат Норуллоева волида муҳтарамаси **БИБИХОЛ** аянинг вафот этгани муносабати билан ҳамдардик билдиради.

«Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси жамоаси ва касаба уюшма кўмитаси корхона касаба уюшма кўмитаси йўриқчиси **Хайит ИРГАШЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 2 июл, шанба кунин чиқади.

**Insonga naf keltirish**  
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

**oliy baxt**

**Muassis:**  
**O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi**

**Bosh muharrir:**  
**Abduxoliq Abdurazzoqov**

**Tahrir hay'ati:**  
Normamat ALLAYOROV,  
Nosirxon AKBAROV,  
Muhammad Ali AHMEDOV,  
Oksana BELAUSOVA,  
Dovud MADIYEV  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Baxtiyor MAHMADALIYEV,  
Sog'indiq NIYETULLAYEV,  
Eson RAJABOV,  
To'liqin TESHABOYEV,  
Jahongir SHAROFBOYEV  
(Mas'ul kotib),  
Anvar YUNUSOV

**Bo'limlar:**  
**Kasaba uyushmalari hayoti** 256-87-63  
**Huquq va xalqaro hayot** 256-03-90  
**Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat** 256-87-74  
**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** 256-82-79  
**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** 256-85-43  
**Reklama va e'lonlar** 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**  
Andijon + 99897 465 05 68;  
Buxoro + 99893 653 50 81;  
Jizzax + 99872 360 00 10;  
Navoiy + 99893 725 46 40;  
Namangan + 99897 491 79 27;  
Samarqand + 99866 708 70 12;  
Suxondaryo + 99897 458 05 07;  
Farg'ona + 99890 232 93 19;  
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;  
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**  
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy  
E-mail: ishonch2011@gmail.com

**Nashr ko'rsatkichi:**  
133

**Navbatchi muharrir:**  
**A. Abdullayev**

**Navbatchi:**  
**A. Arslonov**

**Musahhih:**  
**S. Shodiyeva**

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.  
Sahifalovchi:  
**H. Abdullayev**

«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasiда chop etiladi. Korxonaning manzili: «Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatish shart. Mualliflar fikr ta'biriyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

**(H) - Tijorat materiallari**  
2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti: 21.00  
Topshirildi: 22.30  
Buyurtma T — 651  
19766 nuxxada bosildi  
1 2 3 4